

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.17014028>

## ХУДУДЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ АСОСЛАРИ: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ХУЛОСАЛАР

*Бекчанов Даврон Машарипович*

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси  
доценти, юридик фанлар бўйича PhD

[davronmb@gmail.com](mailto:davronmb@gmail.com)

+998977630333

**Аннотация** - Мақолада олий таълим муассасаларининг (ОТМ) ҳудудий иқтисодий ривожланишидаги роли ва таъсири назарий ва амалий жиҳатдан таҳтил қилинган. Хорижий тажрибалар (Япония, Жанубий Корея, Германия, Финляндия) мисолида университетларни маҳаллий иқтисодиёт билан интеграция қилиши, инновация ва инсон капиталини ривожлантириши механизмлари кўриб чиқилган. Ўзбекистонда олий таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва янги сиёсий-хуқуқий асослар таҳтил қилиниб, университетларни ҳудудий тараққиёт “драйвери” сифатида самарали фаолият юритиши учун тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калим сўзлар:** Олий таълим муассасалари, ҳудудий иқтисодий ривожланиши, инновацион экотизим, инсон капитали, университет–саноат–хукумат ҳамкорлиги, хорижий тажриба, Ўзбекистонда ислоҳотлар, илм-фан ва таълим интеграцияси

### КИРИШ

Ҳудудий иқтисодий ривожланиш ҳамда инновацион тараққиётни таъминлашда олий таълим муассасалари (ОТМ)нинг ўрни ва роли жаҳон миқёсида ортгани кузатилмоқда. Мутахассислар таъкидича, билимларга асосланган иқтисодиёт шароитида университетлар фақатгина таълим ва илмий тадқиқот маркази бўлиб қолмай, балки ҳудудий инновациялар генератори, малакали кадрлар манбай ва жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишига ҳисса қўшувчи “учтамонлама ҳамкорлик” (хукумат–саноат–университет triple helix модели)нинг муҳим иштирокчиси сифатида намоён бўлмоқда. Шундай экан, иқтисодий география ва минтақавий тараққиёт соҳаларида олиб борилган тадқиқотлар ҳудудларда университетларнинг мавжудлиги ва фаолияти маҳаллий иқтисодий ўсиш суръатлари, инновацион фаоллик ва бандликка сезиларли таъсир кўрсатиши мумкинлигини кўрсатади<sup>79</sup>. Масалан, Германия мисолида олиб борилган таҳтиллар натижасида 2000–2011 йилларда ОТМлар минтақавий ялпи ички маҳсулот жан бошига ўрта ҳисобда €8300 қўшгани ва узоқ муддатда ишсизлик даражасини пасайтиришга ёрдам бергани аниқланган<sup>80</sup>. Бу каби

<sup>79</sup> Schubert, T., Kroll, H. Universities' effects on regional GDP and unemployment: The case of Germany // *Papers in Regional Science*. – 2016. – Vol. 95. – No. 3. – P. 407–429

<sup>80</sup> Ўша манба

эмпирик далиллар ОТМларнинг ҳудудий иқтисодиётга тезкор (талаф орқали) ва узоқ муддатли (инновация ва инсон капитали орқали) таъсири мавжудлигини тасдиқлади.

Айни пайтда, олий таълим муассасаларининг ҳудудларни ривожлантиришдаги самарали иштироки масаласида илмий жиҳатдан турлича ёндашув ва қарашлар мавжуд. Бир томондан, университетларнинг маҳаллий иқтисодиётта интеграцияси, илмий тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш ва мутахассис кадрлар тайёрлаш орқали ҳудудда “ўсиш нуқталари”ни яратиш фояси илгари суримоқда. Бошқа томондан, олимлар орасида университетларнинг “учинчи миссияси” – яъни анъанавий таълим ва илмий фаолиятдан ташқари жамият ҳамда иқтисодиётга бевосита хизмат қилиш вазифасини қандай амалга ошириш кераклиги хусусида турли қарашлар мавжуд. Бу миссия доирасида университетлар нафақат билим ва кадрлар тайёрлайди, балки маҳаллий тараққиётта ҳисса қўшиш, инновацияларни тижоратлаштириш, жамият эҳтиёжларига жавоб берувчи амалий ечимларни ишлаб чиқиш каби вазифаларни ҳам бажариши кераклиги таъкидланади. Масалан, баъзи тадқиқотчилар фикрича, университетларнинг асосий мақсади фундаментал тадқиқот ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўлиб, уларни тўғридан-тўғри минтақавий иқтисодий лойиҳаларга жалб этиш университет асосий вазифасидан чалғитиши мумкин. Айрим олимлар эса, аксинча, олий таълим муассасалари ўз атрофида инновацион экотизимларни шакллантириб, ҳудудда фаолият юритаётган корхоналар билан ҳамкорликда янги технология ва ечимларни яратиш орқали “ижтимоий бурч”ини адо этиши лозимлигини уқтиради<sup>81</sup>.

Ушбу мақолада ҳудудларни иқтисодий ривожлантириш жараёнида ОТМларнинг самарали иштирокини таъминлашнинг институционал ва амалий асослари таҳлил қилинади. Бунинг учун аввал мавзуга доир назарий ёндашувлар ва илмий адабиётларнинг хулосалари (Назарий асослар ва адабиётлар шарҳи бўлимида) келтирилади. Сўнгра чет эл тажрибаси ўрганилиб, Япония, Жанубий Корея, Германия ва Финляндия мисолида давлат сиёсати ва университетлар фаолиятининг минтақа тараққиётига таъсири таҳлил этилади (Хорижий тажриба бўлимида). Кейинги қисмларда Ўзбекистон шароити атрофлича таҳлил қилиниб, олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, қабул қилинган расмий стратегик хужжатлар ҳамда маҳаллий тажриба ва амалиётлар асосида батафсил кўриб чиқилади. Олимлар орасида мавжуд полемик нуқтаи назарлар таҳлил қилиниб, якунда Ўзбекистон учун хулоса ва тавсиялар баён этилади.

Ҳудудларни иқтисодий ривожланиш назариясида инсон капитали ва инновацияларнинг ўрни катта эканини кўрсатувчи классик моделлар мавжуд. Хусусан, Р. Солоунинг иқтисодий ўсиш моделида, шунингдек ундан кейин шаклланган эндоғен ўсиш назарияларида технология ва билимлар иқтисодий тараққиётнинг ҳал қилувчи омиллари сифатида алоҳида таъкидланади. Олий таълим муассасалари эса миллий ва минтақавий миқёсда билимлар тарқалиши

<sup>81</sup> Tanaka, M., Watanabe, Y. Local Human Resource Development Policies of Japanese Universities: From the Perspective of High School Students Desire for University Education // Research & Reviews: Journal of Educational Studies. – 2018. – Published 23.01.2018.

(knowledge spillover), янги инновацияларни яратиш ва юқори малакали кадрлар тайёrlашнинг устуни ҳисобланади<sup>82</sup>.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Академик адабиётларда университетларнинг ҳудудий иқтисодиётга таъсир қўрсатишининг бир қатор асосий йўналиш ва каналлари қайд этилган:

Инсон капитали канали. Олий таълим муассасалари маҳаллий меҳнат бозори учун малакали кадрлар тайёrlайди. Мутахассислар ўз ҳудудида иш бошлаганда ишчи кучининг сифати ошади, бу меҳнат самарадорлигини ва ялпи ҳудудий маҳсулотни юксалтиради. Валеро ва Ван Ренен (1950–2010 й., 78 мамлакат) таҳлиллари шуни қўрсатадики, университетлар сонининг 10%га ўсиши киши бошига ЯИМнинг ўртача 0,4%га юқорироқ ўсиши билан боғлик. Бу таъсир университетлар шакллантирадиган инсон капитали захираси орқали амалга ошади.

Инновация ва тадқиқот канали. Университетлар патентлар ва ихтиrolар манбаи ҳисобланади. Саноат ва ҳукумат билан “уч томонлама спираль” ҳамкорлиги илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш имкониятини яратади. Инновациялар нафақат университет жойлашган ҳудудга, балки қўшни минтақаларга ҳам тарқалиши мумкин. Етакчи тадқиқот университетлари инновацион кластерлар марказига айланса, кичик ОТМлар ҳам маслаҳат ва жамоат хизматлари орқали маҳаллий иқтисодиётга ижобий таъсир қўрсатади.

Истеъмол ва талаб канали. Университетлар йирик истеъмолчи сифатида маҳаллий бозорда талаб шакллантиради. Талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг кундалик харажатлари (уй-жой, озиқ-овқат, хизматлар ва бошқалар) ҳамда университетнинг товар ва хизматлар хариди маҳаллий иқтисодиётга қўшимча пул оқимини йўналтиради. Бу жараён қисқа муддатда мультиплекатив таъсир орқали ҳудудий ялпи маҳсулот ўсишини рағбатлантиради. Бироқ иқтисодий тизим муайян тўйиниш босқичига етганда, мазкур таъсирнинг самараси сусайиши мумкин, айниқса университетлар илмий-тадқиқот салоҳияти чекланган ҳолларда.

Шунингдек, қўплаб тадқиқотларда, университетларнинг жамиятдаги ижтимоий-маънавий ҳаётга таъсири ҳам таъкидланади. Олий маълумотли аҳоли улушининг ортиши демократик қадриятларни мустаҳкамлаши, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокини кучайтириши ҳақида эмпирик далиллар мавжуд. Шу боис, айрим олимлар ҳудудларни ривожланишни фақат иқтисодий қўрсаткичлар орқали эмас, балки ижтимоий капитал ва маданий мухит ўзгаришлари орқали ҳам баҳолаш зарурлигини айтишади. Университетлар қўп жиҳатдан жамиятнинг интеллектуал ва маданий маркази сифатида, ҳудудда турли маданий-маърифий тадбирларни ўtkазиш, аҳолига маърифат тарқатиш каби вазифаларни ҳам амалга оширади.

Хорижий тажриба ривожланган мамлакатларда университетлар ва ҳудудий ривожланиш. Хорижий мамлакатларда олий таълим муассасалари ва

<sup>82</sup> Valero, Anna & Van Reenen, John, 2019. "The economic impact of universities: Evidence from across the globe," Economics of Education Review, Elsevier, vol. 68(C), pages 53-67.

минтақавий тараққиёт ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таъминлашга қаратилган турли стратегия ва моделлар мавжуд. Бу бўлимда Япония, Жанубий Корея, Германия ва Финляндия мисолида миллий сиёsat ва университетлар фаолиятидаги ўзига хос ёндашувлар кўриб чиқилади. Ушбу мамлакатлар таълим ва инновация соҳаларида эришган ютуқлари билан танилган бўлиб, уларнинг тажрибаси Ўзбекистон учун ҳам маълум аҳамиятга эга.

Япония мисоли. Япония иқтисодиётининг “саққизинчи мўъжизаси” сифатида тан олинган 1950-60-йиллардагӣ тез индустрисал ривожланиш даврида олий таълим тизими ҳам жадал кенгайди. Айниқса, хусусий сектор ҳисобига кўплаб янги кичик университетлар ва коллежлар ташкил этилди. Ушбу муассасалар асосан таълим беришга йўналтирилган бўлиб, уларнинг маҳаллий иқтисодиётга таъсири борасида қизиқарли кузатувлар мавжуд. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Япония префектураларида кичик хусусий университетлар сони ортиши 1960-йилларда маҳаллий иқтисодий ўсишга сезиларли ижобий таъсири кўрсатган (10% ўсиш ЯИМни 0,4%га оширган). Бу даврда мамлакат бўйлаб умумий талаб юқори бўлгани, ёшларнинг олий таълимга қизиқиши ортаётгани ва иқтисодиёт ўсиш фазасида бўлгани бундай муассасаларни ҳам “ўсиш драйвери”га айлантирган. 2013 йилдан Япония ҳукумати маҳаллий университетларни ҳудудий ривожланиш “драйвер”ларига айлантиришга қаратилган маҳсус дастурларни амалга ошира бошлади. Жумладан, Маданият ва таълим вазирлиги (MEXT) 2013 йили “Жамоат маркази” (Center of Community – СОС) лойиҳасини ишга тушириб, танланган минтақавий университетларга вақтинчалик субсидиялар ажратди. Ушбу университетлар “худудни қайта жонлантиришнинг устуни”га айланиши кутилган эди<sup>83</sup>. 2015 йилдан СОС+ дастури университетларнинг қабул, таълим дастурлари ва битирувчиларни ишга жойлашишини минтақавий эҳтиёжларга мослаштиришни талаб қилди. Масалан, битирувчиларнинг ўз ҳудудида иш билан қамровини 20%дан 40%га ошириш индикаторлари белгиланди. Бу орқали ҳукумат йирик шаҳарларга ёшлар оқимини камайтириш ва маҳаллий кадрлар салоҳиятини оширишни кўзлади.

Жанубий Корея мисоли. Жанубий Корея тажрибаси марказлашган мегаполис – Сеул шаҳри билан четки минтақалар ўртасидаги тафовутни камайтиришда олий таълим қандай восита бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Маълумки, Кореяда энг нуфузли ва илгор университетлар тарихан пойтахт Сеулда жойлашган. Бу эса йиллар давомида истеъодли ёшларнинг асосан Сеулга оқиб келишини ва битиргандан кейин ҳам шу ерда қолишини рағбатлантириб, минтақаларда “маҳаллий миялар оқими”ни камайишига олиб келган. Ҳудудий диспропорцияни юмшатиш мақсадида 2000-йиллардан бошлаб Корея ҳукумати бир қатор ташабbusларни бошлади. Масалан, “Илм-парклар” ва маҳсус зоналар ташкил этилиб, Сеулдан ташқари регионларда айрим етакчи олийгоҳлар атрофида инновацион кластерлар яратилган (энг машҳури – Тэжон

<sup>83</sup> Tanaka, M., Watanabe, Y. Local Human Resource Development Policies of Japanese Universities: From the Perspective of High School Students Desire for University Education // *Research & Reviews: Journal of Educational Studies*. – 2018. – Published 23.01.2018.

шахридаги Даэдок иннополиси, у ерда KAIST – Кореяning етакчи илмий технология институти ва бир неча илмий тадқиқот институтлари жойлашган).

Сўнгти йилларда эса Кореяда олий таълим тизимини тубдан номарказлаштиришга қаратилган янада улкан режалар илгари сурилмоқда. 2025 йили янги сайланган президент И Ли Мунг “10 та Сеул миллий университети” (10 SNU) деб номланган дастурни таклиф қилди<sup>84</sup>. Бу ташаббусга мувофик, мамлакатнинг турли минтақаларидағи 9 та етакчи давлат университетининг даражаси босқичма-босқич Сеул миллий университети (SNU) стандартига етказилиб, уларнинг илмий салоҳияти ва рейтинги оширилади. Бу билан ҳукумат бир вақтнинг ўзида таълим сифатини ҳудудларда қўтариш, маҳаллий иқтисодиётга туртки бериш ва талантларнинг пойтахтга оқиб кетишини камайтиришни кўззламоқда. Концепция сифатида бу ғоя Калифорния университетлари тизимиға ўхшатилмоқда – АҚШнинг Калифорния штатида бир нечта шаҳарда юқори савияли университетлар тармоғи борлиги штатнинг барча қисмида иқтисодий ўсиш ва инновацияни рағбатлантиргани мисол тариқасида келтирилмоқда.

Шу билан бирга, Кореяда олий таълимни номарказлаштиришга қаратилган аввалги ислоҳотлар ҳам қайд этиш лозим. Масалан, 2021 йилдан жорий этилган RISE (Regional Innovation System and Education) дастури доирасида марказий ҳукумат олий таълимга оид молиялаштириш ва бошқарув ваколатларининг бир қисмини вилоят ҳокимликларига топширди. Бу эса маҳаллий ҳокимиятларга университетларни ривожлантириш жараёнида фаолроқ иштирок этиш имкониятини яратди.

Хулоса қилиб айтганда, Жанубий Корея тажрибаси ҳудудий инновация тизимини шакллантиришда университетларнинг ўринини мустаҳкамлаш учун давлат даражасида кучли сиёсий ирода ва катта инвестициялар талаб этилишини кўрсатади. Бунда муваффақиятга эришиш учун, эксперталар таъкидлашича, олий таълим тизимини комплекс ўзгартириш (бошқарув, кадрларни жалб этиш, таълим сифатини назорат қилиш) ҳамда жамият онгидаги “фақат пойтахтдагина энг яхши таълим бўлади” деган қарашни ўзгартириш зарур бўлади.

Германия мисоли. Германияда олий таълим ва илм-фан анъанавий равишда мамлакатнинг ҳар бир федерал җумхурияти (жой)га бирдек тарқалган тармоқка эга. Мамлакатда 500г аяқин университет ва университет макомига эга институтлар бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз ҳудудининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий маркази вазифасини ўтайди. Германияда университетлар саноат ва тадқиқот интеграциясининг муваффақиятли намунаси сифатида кўп бор қайд этилади. Масалан, 1940–1950-йилларда мамлакатнинг Фарбий қисмида ташкил этилган Фраунгофер жамияти институтлари университетлар ва саноат ўртасида “кўприк” вазифасини бажариб, амалий тадқиқотларни илгари суриш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда муҳим ўрин тутди. Шунингдек, Германиянинг машҳур “дуал таълим” тизими доирасида касб-хунар ва олий ўқув юртлари тўғридан-тўғри иш берувчилар билан ҳамкорликда талабаларни амалиётда

<sup>84</sup> Kim, K. South Korea’s plan to decentralise higher education excellence // East Asia Forum. – 2025. – 29 July. – URL: <https://eastasiaforum.org>

үқитишини йўлга қўйган. Бу эса минтақавий меҳнат бозорида битирувчиларнинг самарали ва қулай жойлашувига шароит яратган.

Эмпирик тадқиқотлар Германиядаги университетларнинг минтақавий иқтисодиётга сезиларли ҳиссаси борлигини тасдиқлайди. Мисол учун, Шуберт ва Кролл (2016) ўзининг кенг қамровли изланишида 2000–2011 йилларда Германия университетлари фаолиятининг 97 та шаҳар/худуднинг иқтисодий кўрсаткичларига таъсирини баҳолаган. Натижада, ўрта ҳисобда олингандা, бирор худуддаги университетлар мавжудлиги ушбу худуднинг киши бошига ялпи маҳсулотига €8300 қўшимча қиймат қўшганлиги аниқланган. Шунингдек, университетлар узоқ муддатда ишсизлик даражасини сезиларли камайтириши илмий статистик усуллар билан тасдиқланган<sup>85</sup>. Бу ерда гап фақат университет ходимлари ва талабаларининг тўғридан-тўғри иқтисодий фаоллиги ҳақида эмас, балки университет орқали шаклланган билим ва технологиялар маҳаллий фирмаларга ўтиши ҳамда юқори малакали битирувчиларнинг маҳаллий ишлаб чиқаришга қўшган ҳиссаси ҳақида бормоқда.

Германияда худудий инновация ва тармоқларни ривожлантириш соҳасида амалга оширилган йирик ташаббуслардан бири — “Аълочилар ташаббуси” (Exzellenzinitiative) дастури ҳисобланад. 2006 йилда бошланган бу дастур доирасида федерал ҳукумат энг яхши тадқиқот стратегияга эга бўлган университетларни қўшимча маблағлар билан тақдирлаб, уларнинг жаҳон миқёсида рақобатбардошлигини оширишга ҳаракат қилган. Дастурнинг асосий мақсади университетларнинг нуфузини ошириш бўлганига қарамай, унинг таъсири натижасида худудий инновацион кластерларнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳам кузатилган. Масалан, “Аълочилар” сифатида тан олинган Техник университет Мюнхен ва Людвиг–Максимилиан университети атрофида Баварияда технологик стартаплар ва илмий парклар шаклланди. Бу эса маҳаллий иқтисодиётни янги тармоқлар ҳисобига диверсификация қилишга хизмат қилди. Шу тариқа, Германия тажрибасида худудий тараққиёт учун университетларни рағбатлантиришда соф рақобат тамойиллари ва мақсадли молиялашни ҳам қўллаш мумкинлиги қўринади.

Ўзбекистон шароити: олий таълим муассасалари ва худудий ривожланиш. Ўзбекистонда сўнгги йилларда олий таълим тизими жадал ислоҳотлар ва кенгайиш даврини бошидан кечирмоқда. Мамлакатимизда олий таълимнинг худудий қамровини ошириш, янги университетлар ва институтлар, шу жумладан, чет эл олийгоҳларининг филиалларини очиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. 2016 йилдан бўён Президентимиз раҳнамолигида олий таълим соҳасини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланиб, унда олий таълимга қамров даражасини камида 50%га етказиш вазифаси қўйилди<sup>86</sup>. Бу эса бутун мамлакат бўйлаб янги ОТМлар ташкил этиш ва мавжудларининг филиалларини худудларда очиш орқали амалга оширилмоқда. Расмий

<sup>85</sup> Schubert, T., Kroll, H. Universities' effects on regional GDP and unemployment: The case of Germany // *Papers in Regional Science*. – 2016. – Vol. 95. – No. 3. – P. 407–429

<sup>86</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида, 2019 йил 8 октябрь, ПФ–5847-сон // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2019. – № 41. – Модда 843.

статистикага кўра, 2015/2016 ўқув йили бошида мамлакатимизда ҳаммаси бўлиб 69 та олий таълим муассасаси фаолият кўрсатган бўлса, 2024/2025 ўқув йилига келиб уларнинг сони 222 тага етган<sup>87</sup>. Бу сўнгги ўн йил ичида университет ва институтлар сони 3,2 баробарга ошганини англаади.

Олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар юридик базада ҳам мустаҳкамлаб борилмоқда. 2019 йилда қабул қилинган Президент фармони билан тасдиқланган Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида биринчи марта университетлар олдига ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишига ҳисса қўшиш вазифаси қўйилди. Жумладан, концепцияда ҳар бир олий таълим муассасасида ҳудудларни ривожлантиришни тадқиқ ва прогноз қилиш бўйича илмий марказлар даражасига чиқиш талаби белгиланган. Шу билан бирга, ҳудудларнинг иктисодий ихтисослашуви ва тармоқ эҳтиёжларидан келиб чиқиб, университетларда таълим йўналишлари ва мутахассисликларини оптималлаштириш, янги таълим дастурларини жорий этиш вазифалари қўйилган. Бошқача айтганда, энди ҳар бир минтақа учун устувор тармоқлар мавжуд бўлса, ўша ерда шу соҳаларга мос ОТМлар очиш ёки мавжудларининг факультетларини кенгайтириш сиёсати юритилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда олий таълим муассасалари ҳудудий иктисодий тараққиётнинг муҳим омилларидан бири сифатида қарала бошлади. Кисқа муддатда ОТМлар тармоғининг кенгайиши ҳудудлардаги ёшларга янги имкониятлар очди, олий маълумотли мутахассислар сони ортиб бормоқда. Энди вазифа – ушбу туб ўзгаришларнинг сифат жиҳатидан самара бера олиши, яъни университетлар чинакам маънода ўз ҳудудининг инновацион марказига айланиб, маҳаллий индустря ва ижтимоий соҳалар тараққиётини тезлаштирувчи бўғинига айланиши учун зарур шарт-шароитларни яратишидир.

## ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, олий таълим муассасаларининг ҳудудий иктисодий ривожланишдаги ролини самарали таъминлаш учун қўйидаги хулоса ва тавсияларни келтириб ўтиш мумкин:

1. Олий таълимнинг сифати ва минтақавий ихтисослашувини таъминлаш. Университетларни кўпайтиришдан кўзланган асосий мақсад – маҳаллий инсон капиталини юксалтиришdir. Шунинг учун ҳар бир ҳудуддаги ОТМ таълим сифатини юқори даражада саклаши жуда муҳим. Бунинг учун кадрлар потенциалини ошириш (етакчи мутахассислар, профессорларни ҳудудларда ишлашга жалб этиш), моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва таълим дастурларини доимий янгилаш зарур. Шунингдек, ҳар бир университет ўз вилоятининг иктисодий профилига мос ихтисосликларни ривожлантириши тавсия этилади – масалан, агарар ҳудудда агротехнология фақультети қучли бўлиши, саноатвий ҳудудда муҳандислик ва техник йўналишлар кенг ўқитилиши ва х.к. Финляндия ва бошқа давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ОТМнинг маҳаллий саноатга мос ихтисослашуви битирувчиларни минтақада қолиш ва

<sup>87</sup> [www.talimtelekanali.uz](http://www.talimtelekanali.uz)

худудда юқори технологияли кластерларни шакллантириш учун ҳал қилувчи омил бўлади.

2. Университет – саноат – ҳокимият ҳамкорлигини (“уч томонлама спираль” ) кучайтириш. Ҳар бир худуддаги олийгоҳ маҳаллий иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ечимиға ҳисса қўшиши учун уларни бошқарув ва ишлаб чиқариш тузилмалари билан узвий боғлаш керак. Бунинг учун қуидаги механизмларни жорий этиш тавсия этилади: университет қошида маҳаллий ҳокимият ва асосий иш берувчилар иштирокида васийлик кенгашларини фаоллаштириш (бу амалиёт норматив тарзда жорий қилинган); ҳар бир вилоятдаги асосий тармоқ корхоналари хузурида университет филиали ёки кафедрасини очиш; талабалар учун корхоналарда йил давомида амалиёт ўташ имкониятини институционаллаштириш; маҳаллий муаммолар бўйича университетларга давлат грантларини ажратиш. Масалан, агар шаҳарда экологик муаммо бўлса, ўша университет олимлари шу мавзуда грантлар олиши ва тадқиқот ўтказиб, ҳал этиш режасини таклиф қилиши мумкин. Бундай амалий ҳамкорлик университетни худудга янада боғлаб, унинг обрўсини ҳам оширади.

3. Инновация ва тадқиқот фаолиятини рағбатлантириш. Университетлар факат ўқув юрти эмас, балки илмий изланишлар масканига айланиши зарур. Шу мақсадда ҳар бир худуддаги олий таълим муассасаларини илм-фан ва инновация марказига айлантиришни давлат сиёсати даражасида кўллаб-куватлаш лозимлиги концепцияда ҳам белгиланган. Амалда буни таъминлаш учун маҳаллий университетларга республика илмий грантлари ва давлат илмий-тадқиқот дастурларида кенг иштирок этиш имконини бериш, уларнинг моддий базасини яхшилаш, ҳалқаро илмий ҳамкорликни кенгайтириш керак. Хусусан, ҳозирги кунда қатор хорижий университетлар ўз филиалларини юртимизда очган – уларнинг тажрибасидан фойдаланиб, маҳаллий университетларда ҳам ҳалқаро лабораториялар ташкил этиш мумкин. Шунингдек, университетларни мамлакатда тузилган янги Илм-фан ва технологик парклар таркибида киритишдир. Масалан, Тошкентда IT-парк атрофида Тошкент ахборот технологиялари университети, Инха университети ва бошқа ОТМлар бир экосистемада ишляяпти. Шунингдек, Самарқанддаги “Silk Road” туризм университети хузурида маҳсус туризм инкубатори ташкил қилинган. Бундай амалиётни барча худудларда жорий этиш керак – ҳар бир туманда ҳам бўлмасада, ҳар бир вилоядта битта технологик ривожланиш маркази ва у билан боғланган университет бўлиши лозим. Бу олий таълимнинг иқтисодий самарасини оширади.

4. Битиравчиларни худудда сақлаб қолиш ва қайта тақсимлаш сиёсати. Юқорида таъкидланганидек, олийгоҳнинг маҳаллий иқтисодиётга фойдаси унинг битиравчилари ўша ерда фаолият кўрсатса кўпроқ намоён бўлади. Шу боис, давлат ва маҳаллий ҳокимликлар даражасида битиравчиларни ўзи ўқиган худудда ишга жойлашишини рағбатлантирувчи имтиёзларни жорий этиш мумкин. Масалан, маҳаллий корхоналарга шу худудни битиравчиларини ишга олганда солиқ имтиёзлари бериш, битиравчиларга арzon уй-жой ижараси ёки ипотека дастурларида қисман (худуд бюджети ёки корхоналар ҳисобига)

субсидия ажратиш, в.б. Ҳозирда айрим соҳалар бўйича мақсадли таълим ва тақсимот тизими йўлга қўйилган (қишлоқ врачлари, педагоглар каби) – бу тажрибани кенгайтириш керак. Шунингдек, Миллий кадрлар балансини юритиш керак бўлади: ҳар йили қайси йўналишдаги нечта мутахассис қаерда етишмаётгани ва қаерда ортиқча тайёрланаётгани таҳлил қилиниб, давлат таълим буюртмаси (қабул квоталари) шу асосда шакллантирилиши лозим. 2019 йилда қабул қилинган қарорда айрим соҳалар бўйича худди шу тартиб – яъни тегишли вазирлик ва ҳокимликларнинг кадрларга эҳтиёжини ҳисоблаб, давлат грантлари тақсимлаш – жорий этилган эди. Бу тизимни барча соҳаларга чўзиш ва такомиллаштириш зарур. Бу орқали университет–иктисодиёт алоқаси янада кучаяди.

5. Мониторинг ва баҳолаш. Олий таълим муассасалари фаолиятини худудий ривожланишга таъсири нуқтаи назаридан мониторинг қилиб бориш лозим. Ҳар йили мустақил таҳлил марказлари ёки Статистика қўмитаси томонидан ушбу йўналишдаги асосий индикаторлар – битирувчиларнинг иш билан бандлик даражаси, уларнинг иш жойи бўйича худудда қолиши улуси, университетларнинг маҳаллий иктисодий лойиҳалардаги иштироки, илмий ишларини тижоратлаштириш ҳолатлари, маҳаллий компанияларга берган консалтинг хизмати қиймати ва бошқалар – йиғилиб таҳлил этилиши керак. Бундай маълумотларнинг очиқ эълон қилиб борилиши университетлар ўртасида соғлом рақобатни ҳам кучайтиради. Масалан, ҳар бир вилоят бўйича “ОТМнинг худуд ривожига таъсири рейтинги” тузиш мумкин. Бу рейтингда юқори ўринни олган университетларга қўшимча грантлар ёки рафбатлар бериш мақсадга мувофиқ. Натижада, ҳар бир олийгоҳ фақат битирувчиларни тайёрлаш эмас, балки уларни жойлаштириш, худудий инновациявий фаолликни ошириш борасида ҳам қайгуришга ҳаракат қиласи.

Якуний хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, худудларни иктисодий ривожлантиришда олий таълим муассасалари иштирокини таъминлаш – қўп қиррали ва узлуксиз эътибор талаб этадиган жараёндир. Ҳар бир мамлакат ва худуднинг ўзига хос шароити бор, шу боис чоралар комплексини ҳам мослаштириш керак. Чет эл тажрибаси қўрсатадики, университетлар ҳақиқатан ҳам минтақавий тараққиётнинг “локомотиви”га айланиши мумкин, лекин бу учун давлат томонидан амалий чораларни кучайтириш, университетнинг ички салоҳияти ва маҳаллий муҳитнинг тайёрлиги каби бир неча шартлар мавжуд бўлиши лозим. Ўзбекистон шароитида сўнгги йилларда олий таълим соҳасида бошланган кенг кўламли ишларнинг мантиқий давоми сифатида энди университетларни амалий иктисодиёт билан янада боғлаш даври келди. Бу борада юқорида таклиф этилган таклифлар тизимли татбиқ этилса, яқин келажакда олий таълим муассасалари юртимиз минтақаларининг инновацион ва ижтимоий-иктисодий юзини ўзгартиришда ҳал қилувчи кучга айланади.

#### Адабиётлар рўйихати:

1. Valero, A. & Van Reenen, J. (2019). *The economic impact of universities: Evidence from across the globe*. Economics of Education Review, 68, 53-67

2. Yanagiura, T. & Tateishi, S. (2024). *Local economic impact of small, non-research private universities: evidence from Japan*. *Economics of Education Review*, 102, 102576
3. Schubert, T. & Kroll, H. (2016). *Universities' effects on regional GDP and unemployment: The case of Germany*. *Papers in Regional Science*, 95(3), 467-489
4. Tanaka, M., & Watanabe, Y. (2018). *Local Human Resource Development Policies of Japanese Universities: From the Perspective of High School Students' Desire for University Education*. *Research & Reviews: Journal of Educational Studies*
5. Kim, K. (2025). *South Korea's plan to decentralise higher education excellence*. *East Asia Forum* (29 July 2025)
6. Norma.uz (2019). *Oliy ta'lim muassasalari uchun davlat buyurtmasi belgilandi* ([norma.uz](http://norma.uz)).
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.
9. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги О'RQ-637-сонли “Таълим тўғрисида”ги қонуни
10. [Talimtelekanali.uz](http://Talimtelekanali.uz) (2025).